ЙИЛЛИК ПЛАН 22 КУНДА БАЖАРИЛАДИ

БЎКА РАЙОНИДАГИ „ЛЕНИН ЙЎЛИ“ КОЛХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ АҲДИ АНА ШУНДАЙ

ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШИШ, ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ҚИСҚА МУДДАТДА ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БИЗНИНГ ТАДБИРЛАРИМИЗ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 132 (3360). | Жума, 8 июль 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Шу кунларда пахтазорларимизни айланиб кўрсангиз колхозчилар, механизаторлар ғайратига қойил қоласиз. Бунинг боиси бор.

Партиямиз XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг март ва май Пленумлари коммунистик қурилишнинг муҳим соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш, деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш вазифасини олдимизга қўйди. Колхозчиларнинг бутун эътибори ана шунга қаратилгандир.

Бу йилги кўклам деҳқонлар учун ҳеч кутилмаган даражада ноқулай келди, апрелнинг сўнгги ҳафталари, май ойи ташвишли бўлди. Бу шароит яна ҳам ақл-идрок билан, ишнинг кўзини билиб, тадбиркорлик билан режалар тузишни талаб қиларди. **Биз экишдан олдин гектарига уч юз килограммдан суперфосфат, экиш билан бир вақтда эса гектарига юз эллик килограммдан азот бериб, жуда тўғри иш қилган эканмиз.** Чунки энди ер бетига чиққан ёш ғўзани шира босди. Агар унинг мурғак илдизлари тупроқда сингиб ётган азотни етарли миқдорда сўра билмаганда эди, уни шира енгиб қўйган бўларди. Чигитлар тўлиқ униб чиққан пайтда ҳаво бирмунча совуб, унинг гуркираб ўсишига халал берди. Биз бунинг ҳам йўлини топдик. Ҳеч бир иккиланмай, ягана қилдик. Ваҳоланки, айрим хўжаликларда «ҳаво паст келяпти, яганадан кейин совуқ тушиб қолса, қолган кўчат ҳам нобуд бўлади», деган фикр билан ягана кечиктирилди.

Деҳқон ақл-идрок билан ва дадил иш қилиши керак. Совуқдан қўрқиб ягана кечиктирилган жойларда қолдирилиши керак бўлган ғўзанинг озигига, эрта-индин юлиб ташланадиган кўчатлар шерик бўлиб, асосий ғўзани ўсишдан қолдирди. **Ғўзамиз озиққа тўйиб ўсгани учун унча-мунча касаллик ҳам, салқин ҳаво ҳам сезиларли таъсир қилмади.**

Бемалол айтишимиз мумкин, 1965 йилдан бошлаб колхозимиз ерлари ўт балосидан қутилди. Бу даставвал ҳосилнинг кўтарилишида ижобий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчидан пахтачиликда энг кўп меҳнат талаб қиладиган йиғим-терим ишларини тўла механизациялаш имконятини берди. Бегона ўтнинг машина теримига нима алоқаси бор, деган савол бўлиши мумкин. Ҳа, алоқаси бор.

Пахта чамандек очилган. Барг яхши тўкилган. Аммо далада ўт кўп. Нима қилиш керак. Вақт кутиб турмайди. Далага машина олиб келинади, иш бошлайди. Қаторнинг ярмига бормай машина шпинделлари ўтнинг кўкига тўлиб пахтани тўка бошлайди. Бригадир тутоқиб механизаторга «ҳамма пахтани тўкиб юбординг», деб ўшқиради. Механизатор ҳам бўш келмайди. «Нега ўтнигни тозалаб қўймадинг» деб бригадирни танқид қилади.

Юқорида айтганимиздек, биз ўт балосидан қутилганимиз учун **1965 йилда машина билан ҳамма пахтамизнинг 60 процентини яъни 2200 тоннасини териб олдик. Йиғим-теримнинг айни қизғин кунларида далаларда ўнларга «зангори кема» ишлаб турди. Ўтган йили ҳар бир машина билан 67 тоннадан пахта териб олдик.** 90—100—120 тоннадан пахта терган механизаторлар ҳам кўп бўлди.

Йиғим-теримда техника ҳал қилувчи куч. Биз машиналарнинг унумли ишлаши учун барча шароитни яратиб берганмиз. Шу сабабли **бултур планни 24 иш кунида бажардик. Бу йил эса, машиналарни яна ҳам яхшироқ, кўпроқ ишлатиб йиллик планни 22 иш кунида адо этамиз. Бунинг учун қандай имкониятларимиз бор.**

Биз машиналарнинг нормал ишлаши учун чигит экишдан олдинроқ тайёргарлик кўрдик. Ерларимизни созлаб текисладик, планлаштирдик. Бу ишларни бажаришга 20 минг сўм пул сарфладик. Экиш вақтида, ғўза парвариши кунларидаги ишимизни ҳам машинага мослаб олиб бордик. Дадил айтишимиз мумкин, далаларимиз ҳозирдаёқ машина теримига тайёр.

Янгийўл районидаги «Интернационал» ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозлари машина теримига пухта тайёрлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан яхши ташаббус бошладилар. Биз уларнинг ташаббусига қўшилиб, колхозимизда ҳам машина теримини муваффақиятли ўтказиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиладик.

Хўжалигимизда 45 та терим машинаси бор. Булар августнинг бошларида тўла ремонтдан чиқариб бўлинади. 10 та янги машина сотиб олмоқчимиз. Бу йилги мавсумда ҳар куни далада 50—55 та машина ишлаб туради.

Колхоз правленияси, партия ташкилоти механизатор кадрларни кўпайтиришга, уларни ўқитиб тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда. Билимли, меҳнатсевар механик-ҳайдовчилар етарли. Мавсум кунларида машиналарнинг икки сменада ишлаши учун ҳаракат қиламиз. Биз режа тузиб чиқдик. **Бултур 60 процент пахта машина билан терилган бўлса, 1966 йилда 80 процент пахтани «зангори кема»лар ёрдамида териб оламиз. Бунинг учун 1660 гектар еримизни 1300 гектарини машинага ажратдик. Колхоз бўйича ҳар бир машина билан ўрта 60—70 тоннадан пахта теришга қарор қилинди.** Айрим механик-ҳайдовчилар 100—120 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Ҳозиргача барча майдондаги ғўза уч марта узунасига, 2 марта кўндалангига культивация қилиб чиқилди. 1660 гектар ернинг асосий қисмидаги ғўза икки марта озиқлантириб бўлинди. Яқинда далаларни айланиб текшириб чиқилганда 160 гектар ердаги ғўза ҳосил олишда бироз кечикаётганлиги аниқланди. Шу ерларга қўшимча озиқ беришга қарор қилинди. Ундан ташқари ҳамма ерларга шарбат оқизиш учун дала бошларига чуқурлар қазилмоқда, гўнг ташиб чиқилмоқда.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш учун курашаётган колхозимиз аъзолари бултурдан бошлаб чеканкани ҳам техника ёрдамида бажарадиган бўлиб қолдилар. Ўтган йили кўпгина майдонларимиздаги ғўза махсус машиналарда чеканка қилинди. Бу эса ишни тезлаштирди, маблагни тежаб қолиш имкониятини берди. Биз **бу йил ҳамма майдондаги ғўзаларни механизация ёрдамида чеканкалашга қарор қилдик.** Бу ҳар жиҳатдан муҳимдир. Бир гектар ерни қўлда чеканка қилиш учун 9 сўм 16 тийин сарфланар эди. Машинада чеканка қилинганда эса, ана шу пул иқтисод қилиб қолинади. Чунки, культивация қилаётган машинага чеканка қилувчи аппарат ўрнатилади. Механизаторга культивация қилгани учун ҳақ тўланади. Шунинг натижасида колхозимиз чеканкадан 14940 сўм пулни иқтисод қилиб қолади.

Чеканканинг механизациялаштирилгаилиги иш сифатини ҳам яхшилайди. Машина билан икки марта чеканка қилинган ғўзалар шохи яхши ривожланиб, кўсаги тез тўлишади ва пахта эрта пишади.

Колхозчилар ва механизаторлар ғўзанинг бугунги аҳволини кўриб хотиржам бўлмаётгирлар. Улар ғўза парваришини 25 августгача тўхтовсиз давом эттирамиз, демоқдалар. Чунки бугунги ишнинг натижаси билан хотиржам бўлган деҳқон ютқизиб қўйиши муқаррар. Ғўзалар кўп озиқ ва сув талаб қилаётган шу пссиқ кунларда деҳқон айниқса зийрак туриши керак. Бригада ва звено бошлиқлари, колхозчилар ҳар бир ғўзанинг кўнгилдагидек ҳосил тугиши учун ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги пайтда ғўзани кечакундуз қондириб суғориш энг муҳим вазифалардандир. Чунки шу вақтга қадар қатор ораларига кўплаб минерал ўғит ва гўнг солинди. Ер кучли, тупроқ ҳамма вақт нам бўлиб туриши керак. Шу сабабли колхозда сувчиларнинг ишини ташкил этишга алоҳида эътибор қилинмоқда ва уларнинг унумли, мақсадга мувофиқ ишлашлари учун барча шароит яратиб берилмоқда.

Гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш учун курашаётган Деҳқон Нурматов бошлиқ бригаданинг 105 гектар еридаги ғўзанинг ҳар тупида кўплаб шона ва гул, 2—3 тадан кўсак бўлишига қарамай, бригада аъзолари ишни сусайтирмаяптилар. Ғўзалар узунасига ва кўндалангига культивация қилинмоқда. Дала бошларига чуқурлар қазилиб, шарбат оқизишга тайёргарлик кўрилаётир. Эргаш Асрақулов, Усмонқул Ҳайдаров, Робия Каримова, Мустафо Музаффаров бошлиқ бригада ва звеноларда ҳам ғўзалар серҳосил бўлиб ривожланаётир.

Колхозимизда механизаторлар бошлиқ звенолар ташкил қилинганлиги ва бу иш деҳқонларимизга ниҳоятда ёққанлиги учун хўжалигимиз тез ривожланмоқда. Механизатор-звено бошлиқлари ҳақиқатан ҳам дала хўжайинлари эканликларини амалда кўрсатмоқдалар. Ўтган йили ака-ука Эргаш, Йўлдош Жалоловлар бошлиқ механизациялашган звеноларда йиллик планнинг 9—11 иш кунида бажарилганлиги ҳаммани қойил қолдирди. Механизаторлар бошлиқ нарядсиз звеноларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда, деҳқончилик маданиятини юксалтиришда, пахта ҳосилини кескин кўпайтиришда ҳақиқатан ҳам хал қилувчи роль ўйнамоқда.

Колхоз правленнеси, партия ташкилоти ва барча колхозчилар бу йил шаҳардан ёрдам олмай, йиғим-теримни ўз кучлари билан ўтказишга қарор қилдилар. Бунда, албатта, биринчи навбатда машиналар кучига ишонамиз. Юқорида айтганимиздек, терим машиналарининг тўхтовсиз ишлаши учун механик-ҳайдовчи кадрлар тайёрлаб қўйилган. 76 механик-ҳайдовчи ўзларига биркитилган машиналарни сифатли ремонт қилмоқдалар. Шунингдек, заурур миқдордаги заҳарли моддалар келтириб қўйилди. **Биз ҳар бир туп ғўзада 2—2,5 тадан кўсак пахтаси очилиши билан дефолацияни бошлаймиз.** Қишлоқ хўжалик авиаторлари билан тузган шартномамизга кўра бу иш қисқа фурсатда, қулай вақтларда ўтказилади. Ғўза барглари текис тўкилиб, машиналарнинг ишлаши учун имконият бўлиши биланоқ теримни бошлаб юборамиз. Худойберди Усмонов, Тожибой Даминов, Рашид Ҳайитбоев, ака-ука Эргаш ва Йўлдош Жалоловлар бу йилги мавсумда 120 тоннадан пахта терамиз деб айтмоқдалар.

Машинада терилган пахталарни тўппа-тўғри даладан олиб кетиш учун прицеплар тайёрлаб қўйилди. Бу йил 60 та прицеп ишлайди ва ҳамма пахта қоп-қанорсиз ташилади.

Колхозда механизаторлар ва колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш яхши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда механизатор звено бошлиқлари ойига 120—140 сўмдан, колхозчилар эса, 90—110 сўмдан маош олиб ишламоқдалар.

Колхозимиз аъзолари бу йил ҳам бултургидек ҳамма ҳосилни биринчи сортларга сотиш учун шу кунлардан бошлаб ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг маъноси шуки, ғўзамиз пастки бўғинлардан кўсак олмоқда. Бу кўсаклар августнинг учинчи ўн кунлиги ва сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишиб етилади. Демак, **биз йиллик планни сентябрнинг 22 кунида бажарамиз,** деган эканмиз, ҳосилимизнинг ҳаммасини биринчи сортга сотамиз.


Июль, август ойларида яна ҳам сифатли ишлаш учун курашамиз. Чунки шу даврда чопиқ, культивация, суғориш, чеканка ва бошқа дала ишларининг ғоят сифатли бажарилиши ҳосилни тўла сақлаб қолади, уни эрта етилтиради ва пахта мўл бўлади.

Июль, август ойида ғўза парваришининг сифатли бўлишига эришиш мақсадида дала ишлари бажарилишини текшириб, қабул қилиб олишни фақат табелчи, экономистларга юклаб қўймай, колхозчиларга қозиқлар қоқиб бириктириб қўйилган участкалардаги иш қандай бажарилганини колхоз правленияларининг аъзолари, партия ташкилотининг секретари, агротехника советининг аъзолари томонидан қабул қилиб олинишига эришамиз. Шундан кейингина колхозчи, сувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш масаласи хал қилинади.

Йиғим-терим кунларида юқори унумга эришиш мақсадида колхозчилар, механизаторлар ва барча далада ишлаётганлар учун қулай маданий-маиший шароит яратиб берамиз. Партиявий-сиёсий ишлар савиясини яхшилаймиз.

Партия ва ҳукуматимиз биз пахтакорлар тўғрисида ҳамиша оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. КПСС нинг XXIII съезди қарорлари биз қишлоқ меҳнаткашларидан маҳсулот ишлаб чиқаришни тинмай кўпайтиришни талаб қилмоқда. Биз бунга амалий иш билан жавоб берамиз. **Беш йилликнинг дастлабки йилида давлатга 4000 тонна «оқ олтин» сотамиз.**

И. БЎРИХЎЖАЕВ,
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси,
Б. АБАЗАРОВ — колхоз партия ташкилотининг секретари,
Ж. НАСРУЛЛАЕВ — колхоз бош агрономи,
М. ҚОРАБОШЕВ — колхоз бош инженери,
Д. КАРИМОВ — бригада бошлиғи,
М. ИБРОҲИМОВ — участка агрономи,
Ж. ҲАИДАРОВ — механизатор-звено бошлиғи,
Я. УЗОҚОВ — нарядсиз звено бошлиғи,
Ғ. АБДУРАЗЗОҚОВ — сувчи,
Ҳ. ОЛОВИДДИНОВ — участка агрономи,
Ж. БАЙРОВ — колхоз бош бухгалтери.



● Колхоз далаларида ғўза парвариши қизғин бормоқда. Суратда: 1. Тожибой Даминов бошлиқ звенода ғўза культивация қилинмоқда. 2. Илғор сувчилардан (чапдан ўнгга) Абдуғани Абдураззоқов, Ғафур Кенжаев ўртоқлар. 3. Колхоз раиси И. Бўрихўжаев илғор бригада бошлиғи Робия Каримова билан ҳосилни чамалаб кўришмоқда.

А. Абалян фотолари.

● Июль, август ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ойлар ҳисобланади.

Бу ойларда ғўза икки-уч марта парвариш қилинади, шарбат суви оқизилади, ҳар ернинг шароити, талабига қараб суғорилади.

● Ҳозир ҳар тупда иккиучтадан бўлиқ кўсак бор. Яна ҳар туп ғўзада 8—9 тадан ва ундан ортиқ кўсак бўлиши учун курашамиз.

● 1660 ГЕКТАР МАЙДОНДАГИ ҒЎЗАНИНГ ҲАММАСИ МАШИНАДА ИККИ МАРТА ЧЕКАНКА ҚИЛИНАДИ.

● Ҳар туп ғўзада 2—2,5 тадан кўсак очилиши билан дефолиация ўтказишга киришилади. Бунинг учун етарли миқдорда заҳарли моддалар тайёрлаб қўйилади.

● Йиллик планни 22 иш кунида бажарамиз. 80 процент пахта машиналарда терилади. Далаларда 50—55 та «зангори кема» ишлайди. Уларни 76 механик-ҳайдовчи бошқаради. Пахтанинг ҳаммаси қоп-қанорсиз ташилади.

● ТЕРИМ ДАВРИДА КОЛХОЗЧИЛАР, МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ УНУМЛИ ИШЛАШЛАРИ УЧУН МАДАНИЙ-МАИШИЙ ШАРОИТЛАР ТЎЛА ЯРАТИБ БЕРИЛАДИ.





Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши тўғрисида

АХБОРОТ

1966 йил 4 июлдан 6 июлгача дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг Бухарест шаҳрида кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда қуйидагилар иштирок этди:

Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Министрлар Советининг раиси Тодор Живков, Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Министрлар Советининг ўринбосари Станко Тодоров, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, ташқи ишлар министри Иван Башев, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, халқ мудофаа министри армия генерали Добри Журов, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Иван Попов, Болгария Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, бош штаб бошлиғи генерал-полковник Атанас Семержиев, Болгария Компартияси Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Болгария Халқ Республикасининг Руминия Социалистик Республикасидаги элчиси Георгий Богданов.

Венгрия Халқ Республикасидан — Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг раиси Дьюла Каллан, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, миллий мудофаа министри генерал-полковник Лайош Цинеге, Ташқи ишлар министри Янош Петер.

Германия Демократик Республикасидан — Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Вальтер Ульбрихт, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий Бюросининг аъзоси, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг секретари Эрих Хонеккер, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг секретари Герман Аксен, Министрлар Совети раисининг ўринбосари Герхард Вейс, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ташқи ишлар министри Отто Винцер, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, мудофаа министри армия генерали Гейнц Гофман.

(Охири иккинчи бетда)

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши тўғрисида

А Ҳ Б О Р О Т

(Бошн биринчи бетда)

Польша Халқ Республикасидан — Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Владислав Гомулка, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети сиёсий Бюросининг аъзоси, Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Зенон Клишко, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Ташқи ишлар министри Адам Рапацкий, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, миллий мудофаа министри маршал Мариан Спихальский, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Мариан Naшковский, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, миллий мудофаа министрининг ўринбосари, бош штаб бошлиғи генерал-лейтенант Войцех Ярузелский.

Руминия Социалистик Республикасидан — Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Николае Чаушеску, Руминия Компартияси Марказий Комитети Ижроия Комитетининг, донимий президиумининг аъзоси, Министрлар Советининг Раиси Ион Георге Маурер, Руминия Компартияси Марказий Комитети Ижроия Комитетининг, Донимий президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Пауль Никулеску — Мизил, Руминия Компартияси Марказий Комитети Ижроия Комитетининг аъзоси, қуролли кучлар министри армия генерали Леонтин Сэлэжан, Руминия Компартияси Марказий Комитетининг секретари Михай Даля, Руминия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, ташқи ишлар министри Корнелиу Мэнеску.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Руминия Социалистик Республикасидаги элчиси А. В. Басов.

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотний, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ҳукумат раиси Йозеф Ленард, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ҳукумат раисининг ўринбосари Отакар Шимунек, Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ташқи ишлар министри Вацлав Давид, Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Миллий мудофаа министри армия генерали Богумир Ломский.

Кенгаш ишида Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали А. Гречко иштирок этди.

Кенгаш давомида Европадаги тинчлик ва хавфсизлик масалалари юзасидан кенг равишда фикрлашиб олинди. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномасида қатнашувчи сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида вакиллари иштирок этган давлатлар Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисида декларация қабул қилдилар. Бу декларация тексти эълон қилинади.

Америка Қўшма Штатларининг Вьетнамдаги агрессияси натижасида, хусусан Америка қуролли кучларининг Вьетнам халқига қарши урушни кенгайтиришга қаратилган янги жиноятқорона ҳаракатларидан кейин вужудга келган аҳвол кенгашда муҳокама қилинди.

Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан бир овоздан баёнот қабул қилдилар. Баёнот тексти эълон қилинади.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг иши қардошларча дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди, бу эса, социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам берди.

БУХАРЕСТ, 1966 йил 6 июль.

ТОШКЕНТ ПАХТАКОРЛАРИГА МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

Сирдарё область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 17 кишидан иборат ўзаро текшириш бригадаси Тошкент области колхоз ва совхозларида бўлиб, бу йил зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни бажариш юзасидан қилаётган ишлар билан танишдилар.

Биз хўжаликларда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қандай парвариш қилинаётганлигини атрофлича кўздан кечирдик. Ҳаммаси бўлиб, областнинг 61 колхози ва 16 совхози далаларида бўлдик.

Партиямиз XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети март ҳамда май Пленуми қарорларидан руҳланган область пахтакорлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кескин юксалтириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил мамлакатга 323 минг тонна пахта етказиб беришга бел боғлаганлар. Колхоз ва совхозларда ана шу юксак мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳосил тўпланмоқда.

Пойтахт областининг меҳнаткашлари ғалла, гўшт, сут, сабзавот, картошка, мева, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан зиммага олинган мажбуриятни бажариш йўлида ҳам анчагина ишларни қилиб қўйганлар.

Давлатга гўшт сотиш бўйича ярим йиллик план 103,7 процент, сут бўйича 109,5 процент, тухум — 116,1 процент, жун — 150,5 процент бажарилди.

Область ғаллакорларининг ғалабаси ҳаммамизни қувонтирмоқда. Улар давлатга ғалла сотиш планини муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар.

Қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Чигитнинг сифатли тайёрланган ерларга ўз вақтида юқори агротехника муддатларида экиб олинганлиги ва асосий майдонларда текис унгириб олинганги гектарларнинг тўла бўлишини таъминлаган. Дастлабки кунданоқ ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қатор ораларига ишлов бериш кучайтирилган.

Область колхоз ва совхозларида биринчи июлга қадар ғўза 2,45 марта кўндалангига, 3,2 марта узунасига культивация, 2,3 марта чопиқ қилинган, 1,9 марта озиқлантирилган, 1,5 марта суғорилган. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик зараркунандаларига ва касалликка қарши кураш юзасидан ҳам қатор тадбирлар кўрилган.

Шунинг учун ҳам ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ривожи асосан қониқарлидир. Умумий майдоннинг 33 минг гектаридаги ғўза тупларида бир-иккитадан кўсак бор, 89 минг гектар ердаги ғўза ёппасига гуллай бошлаган, 20 минг гектар майдондаги ғўза шоналамоқда.

Колхоз ва совхозларда яганалаш ва букетларни ростлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилганлиги туфайли ҳар гектар ерда 86,3 минг тупдан кўчат бўлиши таъминланган.

Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл районларида, кўпгина хўжаликларда ғўза парвариши, айниқса яхши йўлга қўйилган.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Ленинский путь» Янгийўлдаги «Интернационал» колхозлари, Оққўрғондаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ва Димитров номли колхоз, Бекобод районидаги «Победа», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, «Полярная звезда» ва бошқа кўпгина колхозларнинг пахтакорлари, айниқса фидокорлик билан меҳнат қилаётганликларини қайд қиламиз.

Йилдан-йилга ҳосилдорликни ошираётган бригадалар кўпайиб бормоқда. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 3-бўлимидаги ўртоқ А. Акрамов бошлиқ бригада 137 гектар майдонда ғўза ўстирмоқда. Ҳар гектар ерда 95 минг тупдан кўчат бор. Ҳар туп ғўзада икки-учтадан бўлиқ кўсак етилмоқда.

Биз область колхоз ва совхозларида меҳнатни ташкил қилиш соҳасида ибратли тадбирлар амалга оширилаётганлигини кўрдик. Нарядсиз усулда ишлайдиган звеноларда ва бундай звеноларда ҳар бир кишига ғўза қаторларининг биркитиб қўйилганлиги пахтадан мўл ҳосил олинишини таъминлаётган омиллардан биридир.

Лекин область колхоз ва совхозларида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажариш йўлида ҳамма имкониятлардан ҳам тўла фойдаланилмаётир.

Областда давлатга пилла сотиш планининг бажарилмаганлиги кўнгилсиз бир ҳолдир. Шунингдек, баъзибир экинларни экиш плани ҳам бажарилмади. Масалан, областда сабзавот экиш плани 98,5 процент бажарилди. Бунда асосий айб Оққўрғон, Бўка, Калинин ва Оржоникидзе районларининг зиммасига тушади.

Картошка экиш планини областнинг бирон райони ҳам бажармаганлигини афсус билан айтиш керак.

Хўжаликларда алмашлаб экиш усулини қайта тиклаш юзасидан етарли тадбирлар амалга оширилмаяпти. Ғўза парвариши соҳасида ҳам кўп камчиликлар бор, агротехника қоидаларининг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Баъзибир хўжаликларда яганалаш сифатсиз ўтказилган. Оржоникидзе районидаги «Октябрь», «Правда» колхозлари, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз ва 1-«Далварзин» совхози, Бўка районидаги 1-«Пискент» совхозида ана шундай камчиликка йўл қўйилди.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ўртоқ А. Липохин бошлиқ бригадасида аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкаларда чигит экилган 48 гектар майдоннинг ҳар уясида 8 туп ва ундан ҳам ортиқ кўчат бор. Яганалашнинг бу сингари сифатсиз ўтказилганлиги ҳосилдорликнинг камайиб кетишига олиб келади.

Баъзи бир жойларда культивациянинг сифатига эътибор берилмаяпти. Тракторларга ўрнатилган ишчи органлари яхши созланмаган. Натижада қатор ораларни белгиланганидек кенгликда ва чуқурликда культивация қилинмаяпти.

Масалан, Бўка районидаги 2-«Пискент» совхози, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг ўқув-хўжалик базасида, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози, 1-«Оққўрғон» совхози, Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхозда, Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозларида ана шундай аҳволни кўрдик.

Областдаги анчагина экин майдонларида ғўза ривожланишдан ўн-ўн беш кун орқада қолмоқда. Бундай ерлардаги ғўзаларни тез орада узунасига ва кўндалангига культивация қилиш зарур. Лекин хўжалик раҳбарлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари бунга яхши эътибор бермаяптилар, аксинча, ғўзани кўндалангига культивация қилиш тўхтатиб қўйилган. Бу гап айниқса Оққўрғон районидаги 1-«Оққўрғон» совхози, Карл Маркс номли, Охунбобоев номли колхозлар, Ўрта Чирчиқ, Оржоникидзе, Бекобод районларидаги баъзи колхозларга тааллуқлидир.

Баъзи жойларда суғоришдан сўнг культивацияни оби-тобида ўтказишга эришилмаяпти. Тупроқнинг оқариб кетишига йўл қўйилмоқда. 1-«Пискент» ва Бўкадаги Свердлов номли, Тельман номли колхозлар, Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози, «Коммунизм» колхозида ана шундай камчиликка йўл қўйилган.

Культивациянинг ўз вақтида ўтказилмаслиги туфайли экинлар яхши ривожланмаяпти, ғўза гулини, ҳосил тугунчаларини тўкиб юбормоқда.

Ғўза ҳосил олаётган ҳозирги масъулиятли кунларда ўсимликни суғориш ва озиқлантириш жуда зарур тадбирлардандир. Бу айниқса 47—27 навли чигит экилган майдонларда катта аҳамиятга эга. Лекин кўп жойларда агротехниканинг бу муҳим тадбирига етарли амал қилинмаяпти. Озиқлантириш ва суғориш кечиктириб юборилмоқда. Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ районларининг баъзи бир ва областнинг айрим хўжаликларида суғориш қоидаси бузилмоқда. Далада сувчилар етарли бўлгани ҳолда экинларнинг бостириб суғорилиши, ёки бўлмаса чанқатиб қўйилишига йўл қўйилмоқда. Янгийўлдаги «Октябрь 40 йиллиги», Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли», Бекобод районидаги Навоий номли колхозларда ана шундай камчиликларга йўл қўйилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Хўжаликларда маҳаллий ўғит етарли бўлишига қарамасдан ундан ўз ўрнида фойдаланилмаяпти.

Ҳозир ғўза анча ўсиб қолди. Шунинг учун ҳам тракторларга тўсиқлар ўрнатиш, культиваторларнинг ишчи органларини қоп билан ўраш муҳим аҳамиятга эга. Лекин кўп жойларда шундай қилинмаяпти. Бу ва бошқа шу сингари тадбирларнинг амалга оширилмаганлиги натижасида областда беш минг гектарга яқин ердаги ғўзани ўт босиб кетган, 12 минг гектар ердаги ғўза ривожланишдан орқада қолмоқда. Бу ўтган йилдагидан 8 минг гектар кўпдир.

Бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш соҳасида ҳам кўпгина камчиликлар бор. Ҳалигача маккажўхорининг биринчи парвариши тугалланмаган, атиги 72 процент майдондаги маккажўхори иккинчи марта парвариш қилинмоқда. Биринчи суғориш тамом бўлмаган. Бу камчиликлар Бекобод, Бўка районларига тааллуқлидир.

Ғўзани механизация воситасида чеканка қилиш ҳамда пахтани машинада теришга тайёргарлик кўриш юзасидан ҳам зарур тадбирлар кўрилиши керак. Бироқ бу соҳадаги тайёргарликни қониқарли деб айта олмаймиз. Мавжуд 3741 пахта териш машинасидан атиги 929 таси ёки 24,8 процентги тайёрланган. Юқори Чирчиқ, Бекобод, Янгийўл районларида эса терим машиналарини тайёрлаш бундан ҳам ёмон аҳволда.

Текшириш давомида биз колхозчилар, совхоз ишчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳамма жойда ҳам юқори савияда йўлга қўйилмаганлигига оид фактларга дуч келдик. Областдаги кўпгина хўжаликларда дала шийпони йўқ, иссиқ овқат вақтида ташкил қилиб берилмайди. Меҳнат кунларига аванслар ўз вақтида тўланмайди. Шунинг учун ҳам меҳнатга қобилиятли аҳолининг бир қисми дала ишларида қатнашмаяпти.

Биз бундай камчиликларни тез кун ичида тугатиш учун ҳамма имкониятлар бор, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун ҳамма жойда ишни илғорлар тажрибаси асосида ташкил этиш, мавжуд куч ва имкониятлардан тўла фойдаланиш, ғўза парваришини сира бўшаштирмаслик керак. Шундай қилинса, ҳеч сўзсиз планнигина эмас, зиммага олинган мажбуриятнинг ҳам бажарилишини таъминлайдиган ҳосил тўпланади.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни тугатиш учун биз мусобақадошларимизга қуйидаги маслаҳатларни берамиз:

Далаларнинг ҳамиша ўтдан тоза ҳолда сақланишига эришиш лозим. Ана шунда пахта териш машиналарининг юқори унум билан ишлашига ва терим вақтида ҳосилнинг тўкилмаслигига шароит яратилади.

Шу йилнинг 10 июлига қадар ҳамма ерда ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантириш тугалланиши керак. Ғўзани озиқлантиришда чириган гўнгга минерал ўғитлар аралаштириб тайёрланган озуқадан фойдаланиш яхши фойда беради.

Суғоришдан сўнг қатор ораларининг оқариб кетишига йўл қўймасдан культивациянинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлангиз. Культиваторларни яхши созлаб, қатор ораларининг белгиланган кенглигида ва чуқурликда юмшатилишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Культивация вақтида тракторларга тўсиқлар ўрнатиш ва ишчи органларини қоплар билан ўраб қўйиш талаб этилади. Ана шунда кўчатларнинг шикастланиш олди олинади, ҳосил элементларининг тўкилиб кетишига йўл қўйилмайди.

Квадрат қилиб ва тўғри бурчак уялаб экилган барча майдонларда кўндалангига культивацияни давом эттириш керак. Суғориш учун чуқур қилиб эгат олиш, бунда акучниклардан фойдаланиш лозим.

Ҳозир асосий майдонларда ғўза ёппасига гуллаб, ҳосил туга бошлади. Пахтакорларнинг асосий диққат-эътибори суғоришни ўз вақтида ва сифатли ўтказиб ҳосил элементларининг тўла сақлаб қолишишга қаратилиши лозим.

Чеканкани энг яхши агротехника муддатларида, табақалаштирилган ҳолда ўтказиш, бунда чеканка машиналаридан фойдаланишга ҳам эътибор бериш керак.

Чеканка машиналари, пахта ҳамда кўсак терадиган машиналар, тўкилган пахтани терадиган механик подборшикларни белгиланган муддатларга қадар ремонт қилиб шай ҳолга келтириш лозим. Ҳамма ерда Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» ва Янгийўлдаги «Интернационал» колхозларининг ташаббусини кенг оммалаштириш муҳим вазифадир.

Ғўзани дефолиация қилиш ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш учун барча тадбирларни кўриб қўйинглар.

Далада меҳнат қилаётганларнинг унумли ишлаши учун барча маданий-маиший шароитларни яратиб берайлик.

Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи, зарбдор ой.

Ҳар бир пахтакор ана шуни чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб борсин!

Сирдарё области пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари топширғини биноан:

Е. Т. ТАСАНБОЕВ,
Сирдарё область ижроия комитетининг раиси.

Т. А. ТУРСУНБОЕВ,
область касаба союзлари комитетининг раиси.

П. А. АБУОВ,
Пахтаорол район ижроия комитетининг раиси.

В. Д. ШКОДА,
Сирдарё район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бош агрономи.

Е. П. МАЛЬЦЕВ,
«Малик» совхозининг бош инженери.

Е. Ш. САФАРОВ,
СоюзНИХИнинг Марказий тажриба мелиорация станциясининг директори.

ЎРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республика областлари, районлари ва совхозлари ўртасида дон экинларини ўриб-йиғиб олиш, даладаги дон топшириш ва уруғлик фонди жамғариш юзасидан бошланган социалистик мусобақанинг кейинги беш кунлик якунини қараб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Тошкент областида** (область партия комитетининг секретари Ўртоқ **Абдураззоқов**, область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Шайхов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Ли**, область совхозлар трестининг директори Ўртоқ **Сотиболдиев**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси Ўртоқ **Мамонтов**, Тошкент область дон маҳсулотларини қабул қилиш марказий базасининг директори Ўртоқ **Ершов**) қозидиришга қарор қилдилар. Областда мавсум бошидан буён 60,3 минг гектар майдондаги, ёки умумий майдоннинг 56,4 процентидаги, шу жумладан кейинги беш кунлигида умумий майдоннинг 11,3 процентидаги бошоқли донли экинлар ўриб олинган. Даладага дон сотиш йиллик плани (шолидан ташқари) 104,4 процент, шу жумладан кейинги беш кунлигида 20,1 процент бажарилган ва 7733 тонна, яъни планнинг 72 процентги, шу жумладан кейинги беш кунликда 18,6 процентги миқдорида уруғлик фонди жамғарилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Самарқанд область **Ғаллаорол районига** берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Самарқанд область, Ғаллаорол районидаги **1-«Ғаллаорол» совхозида** қолдирилди.

* * *

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети область районлари, колхозлари ва совхозлари ўртасида ғалла топшириш ва уруғлик фонди жамғариш юзасидан олиб борилаётган мусобақанинг июль ойи биринчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районига** (район партия комитетининг секретари **Қирғизбоев**, район ижроия комитетининг раиси **Қойшимонов**, район комсомол комитетининг секретари **Тўхтаев**, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Юнусов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Кан Ги Ен** ўртоқлар) берилди. Бу район мавсум бошидан буён 4469 гектар майдондаги, яъни умумий майдоннинг 42,8 процентидаги, шу жумладан кейинги беш кунликда 13,1 процентдаги донли экинларни ўриб олди. Даладага дон сотиш йиллик плани 97,5 процент, шу жумладан кейинги беш кунликда 25,2 процент бажарилган. 500 тонна ёки планнинг 69 процентги миқдорида уруғлик фонди жамғарилган. Байроқ Юқори Чирчиқ районидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги 1-«Оҳангарон» совхозига (совхоз директори **Ғуломов**, партия ташкилотининг секретари **Давлатов**, ишчилар комитетининг раиси **Бўриев**, бош агроном Умурзоқов, бош инженер Матқосимов, бош бухгалтер Пасенченко ўртоқлар) берилди. Бу совхоз мавсум бошидан буён 3741 гектар майдондаги, яъни умумий майдоннинг 76,6 процентидаги, шу жумладан кейинги беш кунликда 12,6 процентидаги донли экинларни ўриб олган. Даладага дон топшириш йиллик плани 140,4 процент бажарилган. 500 тонна ёки планнинг 74,1 процентги миқдорида уруғлик фонди жамғарилган. Байроқ шу райондаги Тошкент наслчилик совхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оржоникидзе районидаги **Фрунзе номли колхозга** (раиси **Разов**, партия ташкилотининг секретари **Бердналиев**, бош агроном **Адаманов**, механизация бўйича раис ўринбосари **Уринбоев**, бош бухгалтер **Содиқов** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз мавсум бошидан буён 755 гектар майдондаги, яъни умумий майдоннинг 54,3 процентидаги, шу жумладан кейинги беш кунликда 18,4 процентидаги донли экинларни ўриб олган. Даладага дон сотиш плани 105,2 процент бажарилиб, 150 тонна, яъни планнинг 85,6 процентги миқдорида уруғлик фонди жамғарилган. Байроқ Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозидан олиб берилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси таҳририятидан

„БИЗНИ МАҚТАБ ЁЗИНГМИШ...“

Газетамизнинг шу йил 3 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган танқидий мақолада республика сабзавот, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институтида йўл қўйилаётган камчиликлар очиб ташланган эди.

Шу мақола ҳақида қишлоқ хўжалик министри вазифасини бажарувчи ўртоқ Тимофеевдан жавоб олдик. Унда бундай дейилади:

«...Мақолада республика сабзавот, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институтида йўл қўйилаётган камчиликлар, шунингдек институт директори Т. Г. Мўминов адресига бўлган танқидлар тўғри кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам институт хўжалигида сабзавот ҳамда картошка экинларидан жуда кам ҳосил олиниб, маҳсулот таннархи қимматга тушмоқда. Кейинги уч йил ичида эса институт қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришдан йилига 150 минг сўмгача зарар кўрган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретариати институт партия ташкилотининг «КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қарорлари»ни қандай бажараётганлигини текшириб қарор қабул қилган эди. Бу қарор институт партия ташкилотининг очиқ мажлисида атрофлича муҳокама қилинди. Институт хўжаликларида йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилаб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг қишлоқ хўжалиги фанлари бош бошқармасининг баланс комиссияси институтининг 1965 йилги хўжалик фаолиятини қониқарсиз деб топди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлиги институт маъмурияти билан биргаликда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг институт тўғрисида қабул қилган қарорини бажариш, институт ишини тубдан яхшилаш, сабзавот, картошка ва полиз экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳамда рентабелли хўжаликка айлантиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгилаб чиқилди. Меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ҳақ тўлашни тартибга солиш, кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиб ишлатиш юзасидан ҳам зарур тадбирлар кўриб чиқилмоқда.


Келинги вақтларда институт хўжалиги фаолиятида бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, институтнинг экспериментал базасида эртаги картошка ва карамдан мўл ҳосил етиштирилди. Ўтган йилга нисбатан бу йил эртаги карам, сабзи ва лавлаги топширишга барвақт киришилди. Пилла топшириш плани бажарилди. Ўрта ҳамда кечки сабзавот, картошка экинлари парваришига эътибор кучайтирилди.

Республика қишлоқ хўжалиги министрлиги институт ишини яхшилаш юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

П. ТИМОФЕЕВ,
Қишлоқ хўжалик министри вазифасини бажарувчи».

Дийдор

ОЧЕРК



АБДУЛЛА, аллақаким елкасини тортқилаётганини сезиб, уйғониб кетди. Хотини Екатерина Гавриловна унинг бошида ўтирарди. Уй ичи ним қоронғу бўлса ҳам у хотинининг сочлари тўзиб кетганини кўрди.

— Қўйсанг-чи, Катя, ҳали тонг отгани йўқ-ку, — унинг ярим очиқ кўзлари тагин юмилди. Кўрпага бурканиб олди.

Катя ҳовлиқиб, кўрпани юлқиб ташлади.

— Кўзингни очсанг-чи! Бирам қаттиқ ухлайсанки!.. Тошкентда зилзила бўлибди.

— А?! — Абдулла сакраб туриб кетди. Силтаниб уйнинг ўртасига бориб қолди. Юраги гуп-гуп уриб, ҳалиям тўшагида сочлари паришон ўтирган хотинининг тепасига келди. Унинг кўллари титраётганини, ранги қув ўчиб кетганини энди кўрди.

— Ким айтди? Қачон?!

— Москвадан беришди. Ҳозир...

Абдулла бурчакдаги радио приёмникнинг қизғиш чироқлари ёниб турганини ҳам энди кўрди. Югуриб бориб, овозини баландлатди. Ахборот тамом бўлган, эрталабки гимнастика машқлари бошланган эди. «Бир гап бўлган. Бўлмаса Москвадан махсус эшиттиришмас эди». У асабий ҳаракатлар билан тўлқинларни излаб, Тошкентни тута бошлади. Ниҳоят олис-олислардан «Чўли ироқ» куйининг қадрдон, дилни орзиқтирувчи садолари етиб келди. Най садоси гоҳ баланд янграр, гоҳ илтижо қилаётгандай янграр эди.

«Ҳайрият! — Абдулла икки кафти билан чаккасини қисганча чўккалаб қолди. — Ҳайрият, тинчлик экан».

Тўлқинлар тагин адашиб кетди. Тошкент эшитилмай қолди. Абдулла хириллаётган радиодан яна Москвани тутди. Диктор хотиржам овоз билан Тошкентда етти ярим балли зилзила бўлганини, жўпгина уйлар шикастланганини айтарди.

Етти ярим балл! Абдулла уруш тўфонларида ҳайқирган Шимолий денгиз тўлқинларида бундай силкинишларни кўп кўрган. Ҳарбий кемаларда ўн бир балли бўронларда ҳам жанг қилган. Лекин денгиз-денгиз... Ерда эса бундай кучли зилзила ҳазиланам гап эмас!

У эсанкираб, дераза ёнига келди. Ҳовлидаги қайин япроқлари тонг шамолида оҳиста силкинар, уфқ ёришиб қолганди.

Катя чироқни ёқди.

— Кел, уйга хат ёз, — деди стол устига қоғоз-қалам қўйиб.— Бунақа ўтиришдан фойда йўқ.

Абдулла нима ёзганини ўзи ҳам эслаб қололмади. Фақат бир неча жойда «тезроқ хабар қилинглар, тезроқ!» деб қайта-қайта ялингани ёдида бор.

Катя хатни олиб, шошилиб чиқиб кетди.

— Ўзим «авиа» қилиб жўнатаман. Ишхонангдан рухсат олиб кел. Иложи бўлса бугуноқ Тошкентга уч!

АБДУЛЛА ҳалиям эсанкираган ҳолда кўчага чиқди. Киев ишга шошилар, кўчалар гавжум эди. Одамлар троллейбус остановкаларида тўдалашиб туришар, ваҳима ичида нима гаплигини суриштиришарди.

Юпқа гарднили кўзойнак тақкан бир кампир кўча муюлишида уни тўхтатди.

— Ўзбекмисан, болам?

Абдулла индамай бош силкиди.

— Тошкентда ер қимирлабди. Ҳаммаёқ вайрон бўлиб кетибди, деб эшитдим, ростми?

— Билмайман... — Абдулла бўғилиб кўл силтади. — Ўзим ҳам ҳозир эшитдим. Мен киевлик ўзбекман.

Кампир унинг аҳволини тушуниб, узр сўрагандай секингина гапирди.

— Хафа бўлма ўғлим. Мен Тошкентда олти йил турганман. Уруш пайтида. Бешёгочда... Одамнинг юраги ачийди-да...

Шу топда Абдулла ёлғиз қолишни хоҳларди. Троллейбусга чиқмади. Кўклам либосига бурканган кўчалардан тез-тез юриб кетди.

Абдулла ўзининг беозор болалик йилларни қолиб кетган Чуқур маҳалланинг тор кўчаларини, тасаввурида соғинч таассурот қолдирган Тошкентни ўйлаб кетди. Охирги марта Тошкентда қирқ тўққизинчи йили бўлган эди. Ўнлама-йилига ўн етти йил тўлибди. Укалари, сингиллари соғ-саломатмикин? Отаси-чи?

Абдулла шунча йиллардан бери киндик қони тўкилган шаҳрига бормагани учун энди афсусланди.

ҲАР кимнинг тақдир сўқмоқлари ҳар хил бўларкан. Унинг таниганидан бери бир ерда қўниб яшаганини эслай олмайди. Салкам етти йил жангу-жадалларда юрди. Фин урушида бўлди, Шимолий флотда немисларга қарши жанг қилди. Ўша қирқ тўққизинчи йилнинг баҳорида Тошкентга қайтиб борди. Ўша йилиёқ Киевга келди. Қурилиш институтида ўқиб, инженер бўлди. Мана энди сочларига оқ оралади. Катта қизи Ирина оиласи бўлди. Кенжаси Мая ўн биринчини битирай деб турибди. Лекин у ҳалиям тинчимайди. Қурувчилар билан гоҳ Закавказьега, гоҳ Ғарбий Украинага кетиб қолади. Ҳозир унга бир нарса, фақат бир нарса алам қиларди. Нега отпускаларида бирон марта она шаҳрига борио келмади. Энди рухсат беришармикин? Ишини ташлаб қаёққа боради?

У Киев қурилиш тресги бошқармасининг таниш цемент заводларидан шошилмай чиқиб борди. Узун, тор йўлакдан ўтиб, ўз хонасига — инструкторлар кабинетига кирди.

Абдулла касбдошлари ўзини кутиб ўтиришганини тушунди. Ўзини хотиржам тутишга уриниб, саломлашди.

— Эшитдингми, Абдулла. Хавотир олма. — Бўлим бошлиги Ананьев унинг қўлини маҳкам қисди. Иложимиз қанча? Табиат-табиат-да!

Бугун улар жуда меҳрибон бўлиб қолишган, ўзларн хавотирга тушиб қолишганига қарамай, унга тасалли беришар, бунга сабаб Абдулланинг вазифаси эканлиги, ҳижолат чекарди:

— Нима қилдик энди, Николай Павлович? — у маслаҳат сўрагандай бўлим бошлигига қарарди. — Нима қилай?

— Хотиржам бўл дўстим. Ҳаммасини тўғрилаймиз. Бугуноқ Тошкентга кетасан, — у хонада ўтиришганларга бирма-бир қараб қўйди, — Бу ерда ўзимиз бир амаллаб турамиз.

Телефон жиринглади-ю, Николай гапи бўлмаганидан ранжиб трубкани олди.

— Салом, — деди совуққина қилиб. — Ҳа, шу ерда. — У трубкани Абдуллага узатди. — Бошқарма бошлигининг ўринбосари сени сўраяпти.

Абдулла трубкадан Раенконинг таниш овозини эшитиб, салом берди.

— Бардам бўлинг, биродар. Ҳаммаси жойига тушиб кетади.— Раенко ҳаяжондан бўлса керак, тутилиб-тутилиб гапирар, афтидан Абдулланинг қўнглини кўтаргиси келарди. Фақат бардам бўлинг,— деди у яна овози титраб.

Абдулла бу ерда ҳамма ўзини яхши танишини, ҳамкасблари уни унутмаганини, яхши дўстлари борлигини биринчи марта чуқур ҳис этди-ю, ҳаяжон билан миннатдорчилик билдирди.

— Раҳмат! Катта раҳмат!

У трубкани қўйиши билан яна жирингларди.

— Лаббай?

— Аҳмаджонов ишга келдими?

ҚАЛБ-ҚАЛБГА ТУТАШ

Қони қонимизга, қалби-қалбимизга туташиб кетган қардошларимиз қўлни-қўлга бериб, табиий офат оқибатларини тезда бартараф этиш, янги гўзал Тошкентни тиклашдек умумхалқ ҳашарини бошлаб юборишди.

Биз яқинда Чилонзор массивининг 12-секторида дўстлик қардошлик рамзи бўлиб қолажак бинолар заминига ғишт тераётган қўли гул қирғизистонлик қурувчилар ҳузурида бўлдик. Қурилиш майдонининг бошлиғи Иван Голубкин Қирғизистон қурувчиларининг ғайрати ва шижоати ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Қирғизистоннинг Тошкентликларга совғаси камтарона, — деди у. — Биз бинокорлар пойтахтимиз аҳолиси учун 11,5 минг квадрат метр уй-жой майдони қуриш мажбуриятини олганмиз. 48 квартирали тўртта уй калитини изгиринли кунлар келгунча Тошкентликлар қўлига топширамиз.

Сўзи билан иши бир бўлган қирғизистонлик бинокор дўстларимиз ҳозир уйлар пойдеворини тайёрлаб қўйишди. Улар бугун-эрта икки уйнинг деворини кўтариш ишларини бошлаб юборишади.

Дўстлик массиви қурилишида Валентин Фадеев бошлиқ комплекс бригаданинг толмас билакли азаматлари алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Бригада аъзоларидан Н. Остёр, С. Студенкин, И. Казак, М. Лошкевич, А. Софин каби дурадгорлар, монтажчилар, электр пайвандчилар шижоати, ғайрати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Шу ҳамиятли бинокорларнинг ташаббуси билан қирғизистонлик бинокорлар йил охиригача тўртта эмас, балки бешта 48 квартирали уй-жойни тошкентликлар ихтиёрига топшириш мажбуриятини олишди.

Тошкентликлар шу қийин дамларда яқиндан кўмакдош бўлиб огирини енгил қилаётган қирғиз дўстларининг бу олижаноблиги ва ҳимматини ҳеч қачон унутмайдилар.

А. ШАЙХОВ.

ПОЙТАХТИМИЗГА МАРҲАМАТ

Кечадан бери пойтахтимиз кўчаларида оқ кўйлакларининг енгига қизил эмблема тақкан ёшлар пайдо бўлиб қолди. Қизил эмблемага оқ ҳарфлар билан «Минск студентлари» деб ёзилган. Улар Тошкентни қайта қуриш ишида қатнашмоқ учун бу ерга келишган.

— Студентлардан ташкил топган отрядимиз составида 150 комсомол-ёш бор, — дейди студентлар отрядининг командири В. Резников.

Минск область комсомол комитети Тошкентга юбормоқ учун яна бир группа йигма комсомол-ёшлар отрядини тузмоқда.




МОСКВАНИНГ ТОШКЕНТГА ЁРДАМИ

Москва советининг ижроия комитети зилзила оқибатларини тезроқ тугатишда тошкентликларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Главмосстрой» кучи билан саҳни 230 минг квадрат метр уй-жой қуриш кўзда тутилади. Тошкентда йилига 210 минг квадрат метр уй-жой қуриб бериш қувватига эга бўлган йирик панелли иморатсозлик комбинати барпо этилади. Маданий-маиший мақсадлар учун мўлжалланган бинолар комплексини қуриш, аҳоли яшайтган янги районлар территориясини обод қилиш ҳам кўзда тутилади.

Ҳозир Москвада махсус қурилиш поездлари тузилмоқда. Бу поездлар малакали мутахассислар, ускуна ва техника билан таъминланмоқда. Бу йил Тошкентга 15 та ана шундай поезд жўнатилади. Ўзбекистон пойтахтига ҳосилни йиғиштириб оладиган ва бошқа машиналар жўнатилмоқда. (ТАСС).

Янги Тошкентни биргаликда барпо этамиз



● Москва бинокорлари шу кунларда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар бирйўла 14 бино қурилишини олиб боришяпти. Дастлабки иморатларнинг ғишти қўйилганига анчагина вақт бўлиб қолди. Суратда: илғор ғишт терувчи Владимир Хлопотин ва ёрдамчи ишчи Нина Шуплецова ўртоқлар иш устида.

А. Абалян фотоси.

● Тошкент уйсозлик комбинати коллективи мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб ҳар ҳафтада 48 квартирали икки бино учун етарли панеллар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлмоқда. Суратда: тайёр панелларнинг сифати кўздан кечириляпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ВЬЕТНАМДА АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН!

АДОЛАТ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ

— Барча москваликлар сингари, бутун халқимиз қатори биз ҳам: америкаликлар уйингизга жўнаб қолинглар! — деб айтамиз.

Бу сўзлар 4 июль кечқуруни Тошкент ерида янгради. Янги Тошкентни қуриш учун келган москвалик бинокорлар яшаётган палаткалардан иборат шаҳарчада бу сўзлар репродукторлар орқали баралла янгради. Шу вақтда меҳнат вахтасидан қайтган юзлаб москвалик бинокорлар яқинда жиҳозланган ёзги клубга тўпланиб, узоқда бўлса ҳам, ҳар бир кишининг кўнглига яқин бўлган Вьетнам билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар.

Москва шаҳар партия комитетининг қурилишдаги партия ташкилотчиси В. А. Купцовнинг нутқини мажлис аҳли эътибор билан тинглайди. У, Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси пойтахти — Ханой ва денгиз порти Хайфон атрофларига сурбетлик билан ҳужумлар қилганлиги ҳақида гапирганида бинокорлар ўзларининг ғазабли овозларини кўтарадилар.

Америка Қўшма Штатларининг ҳукумати ўзининг ҳамма авантюристик планлари муваффақиятсизликка маҳкум этилганлигини тушуниб олиши керак, дейди Москва автомобиль трести автобазасининг шофери И. С. Леонтьев. — Пентагон Вьетнамдаги қўшинлари сонини қанчалик кўпайтирмасин, Америка империалистлари Вьетнам халқининг иродасини бостира олмайди, уни қулликка сола олмайди.

Москваликлар қурилиш бошқармаларидан бирининг бошлиғи П. Г. Гайнов микрофон ёнига келиб бундай дейди:

Халқлар қардошларча ҳамдўстлигининг кучини Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатиш учун келган биз, бинокорлар жуда яхши биламиз. Бутун мамлакат ёрдам бераётган шаҳар қанчалик тез қад кўтараётганлигига бир назар ташланг. Ленининг пролетар интернационализми гояларига содиқ бўлган бизлар вьетнамлик дўстларимизни кулфатда қолдирмаймиз. Вьетнамлик дўстларимиз, албатта, ғалаба қилишади.

Монтажчи Г. Г. Решетов, бригадир А. М. Тихонов сўзга чиқишади. Улар барча бинокорлар номидан ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар билан учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Леонид Ильич Брежневнинг Совет Иттифоқи Америка агрессорларига қарши Вьетнам халқи олиб бораётган курашда унга зарур бўлган ҳамма ёрдамни кўрсатишга тайёр бўлиб турибди деб айтган гапини қизғин маъқулладилар.

АҚШ ҳукумати, деб таъкидлашди нотиқлар, Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикасидаги тинч шаҳарларга яна ҳужум қилганлиги муносибати билан Совет ҳукумати эълон қилган баёнотдаги огоҳлантиришдан зарур хулосаларни чиқариб олиши керак. Ҳинди-Хитойдаги хатарли игвогарликларга чек қўйиш лозим.

Митинг қатнашчилари якдиллик билан резолюция қабул қилиб, Америка қўшинларини вьетнам диёридан дарҳол олиб чиқиб кетилсин, Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилиш бас қилинсин, деб талаб этдилар. Резолюциянинг бир нусхасини АҚШнинг Москвадаги элчихонасига юборишга қарор қилинди.

Москва бинокорлари бутун дунёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи бўлган социалистик ватанимиз қудратини бундан буён ҳам ҳормай-толмай мустаҳкамлайверамиз, деб айтишди. Шу мақсад йўлида, дейилади резолюцияда, биз мардлик, тинчлик ва қардошлик шаҳри — Тошкентни тиклаш ва реконструкция қилиш суръатларини жадаллаштирамиз. (ЎзТАГ).

СИЗ БИЛАН ҲАМДАММИЗ

Тошкентдаги халқлар дўстлиги проспектида Харьков ва Луганск бинокорлари қура бошлаган уйлар тобора кўкка бўй чўзмоқда. Бу ерда кечаю-кундуз, жазирама иссиққа ва шамолга қарамай, совет халқларининг қардошлигини улуғловчи жўшқин меҳнат давом этмоқда.

4 июль кечқуруни харьковликлар билан луганскликлар чодирлардан иборат шаҳарча марказида ўрнатилган қўлбола эстрада ёнига тўпланишди. Куни кеча бу ерда шўх қўшиқлар янраб турган эди. Бугун эса монтажчилар, ғишт терувчилар ва бўёқчиларнинг чеҳралари ғазабноқ, уларнинг нутқлари нафрат билан тўла. Вьетнамдаги сўнгги воқеалар бирлашган митингнинг кун тартибига қўйилган.

— Биз тинч касб соҳибларимиз, — дейди Луганск қурилишмонтаж поезди комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари Леонид Нагорянский. — Америка вахшийлари Вьетнамнинг шаҳар ва қишлоқларига миллион-миллион тонналаб ажал келтирувчи металл ёғдираётганлиги, халқнинг бошига қулоқ эшитмаган кулфатлар солаётганлигини эшитиб қалбимиз туғён кўтарди. Бу халқнинг бирдан-бир айби шуки, у, тинчлик, озодлик ва бахт-саодатга интилмоқда. Бизнинг виждонимиз қотиллар йўлига тов солишни талаб этмоқда. Ҳаддидан ошган босқинчилар Вьетнам диёридан жўнаб кетсинлар.

Харьковлик бетончи Людмила Филимонова сўз олади:

— Америка империалистлари, бир томондан, вьетнамликларнинг қонини тўкиб, иккинчи томондан, тинчлик ҳақида гап сотмоқдалар, дейди у, ер юзида тинчлик манфаатларини чиндан ҳам қадрлайдиган ҳар бир киши уларнинг риёкорлигидан нафратланмоқда. Ҳукуматимиз агрессорларни огоҳлантириб, сизлар халқларнинг хушёрлигини чалғита олмайсизлар, деб айтганида минг карра ҳақли эди. Бугун биз вьетнамлик қардошларимизга айтамизки, сизлар яккаёлғиз эмассизлар, барча совет кишилари, бутун соцлагерь меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният сизларнинг тарафингизда турибди, деб айтамиз. Америка ҳарбийлари ўзларининг қора ниятларига ҳеч қачон етиша олмайдилар.

Харьковликлар участкасининг бошлиғи А. В. Харьков, Луганск поездининг ғишт терувчиси Валерий Еремин, Харьковдан келган суворчи Ляля Васько, шу поезднинг мастери В. А. Малахов, луганскликлар комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари Юрий Шиповлар АҚШ ҳукуматининг авантюристик сиёсатини қаттиқ қоралашди.

Бирлашган митинг қатнашчилари Америка авиациясининг Ханой ва Хайфон атрофларига ҳужум қилганлигини катта жиноят деб билди ва шу муносабат билан Совет ҳукуматининг баёнотини қизғин маъқуллашди. Улар АҚШнинг Москвадаги элчихонасига йўлланган телеграммада Вьетнамдаги ҳарбий интервенция дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қилдилар. (ЎзТАГ).

БАНДИТЛАРЧА ҲУЖУМГА ЧЕК ҚЎИИЛСИН

ЯНГИЙЎЛ. (ЎзТАГ). Янгийўл районининг пахтакорлари Америка империалистларининг Вьетнамдаги агрессив ҳаракатларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар. Ҳамроқул Турсунқулов номидаги колхоз маданият саройида ўтказилган митингга бир мингга яқин пахтакор тўпланди. Колхоз раисининг ўринбосари Бурҳон Султонов биринчи бўлиб сўз олди.

— Ханой ва Хайфон атрофидаги ерларни бомбардимон қилган Америка империалистларининг янги қонли ёвузликлари тўғрисидаги хабар, — деди у, — бутун дунёни ғазаблантирди. Ер юзидаги миллионларча соф виждонли кишилар тинчликсевар Вьетнам халқи томонида эканлигини Америка империалистлари билиб қўйсинлар. Биз АҚШнинг ҳарбий интервенцияси дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қиламиз.

ДЎСТЛАР БАҒРИГА

Ҳозирги пайтда энг муҳим масала совуқ кунлар бошланишига қадар зилзиладан бошпанасиз қолиб вақтинча чодирларда истиқомат қилаётган тошкентликларни иссиқ квартиралар билан таъминлашдир. Партия ва совет органлари шу кунгача катта тадбирларни амалга оширдилар. Юзлаб оилалар янги квартираларга кўчиб ўтдилар. Кўплаб кишилар дўстларимиз бағридан ўзларига иссиқ бошпана топдилар.

Пойтахтимиз аҳолиси дўстларимиз мададини чуқур ҳис этиб турибди. Ҳозир пойтахтни қайта қуриш ва тиклаш ишларига барча қардошларимиз ўз ёрдамларини бермоқдалар. Бундан ташқари областимиз ва республикамизнинг бошқа район ва шаҳарлари меҳнаткашлари зилзиладан бошпанасиз қолган тошкентликларни ўз бағрларига таклиф этдилар. Бу таклиф кишиларни бошпана билан таъминлашда муҳим восита бўлди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, республикамиз шаҳар ва районларига кўчиб бораётган тошкентликлар санитария нормаларига тўла жавоб берадиган турар-жойлар билан таъминланмоқдалар. Уларга топширилаётган уйларда барча қулайликлар муҳайё. Кўчиб бориш учун тошкентликлар ўз ёнларидан пул сарф қилаётганлари йўқ. Транспорт ҳақи давлат томонидан тўланаяпти.

Шу кунгача республикамизнинг бошқа шаҳар ва районларига мингдан ортиқ оила кўчиб борди. Улар Тошкент, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд ва бошқа областлардан ҳамда Қорақалпоғистон АССРдан ўзларига кўркам, шинам бошпана топдилар. Кўчиб борганларнинг аксарияти илгари пойтахтимизнинг Киров ва Октябрь районларида истиқомат қилишган эди.

Жойлардаги дўстларимиз кўчиб борувчиларни очиқ чеҳра билан қарши олмоқдалар. Шу ўринда Тошкент экскаватор заводининг собиқ ишчиси Петр Кириллович Горбунов ва унинг умр йўлдоши — «Узбексельмаш» заводининг собиқ ишчиси Любовь Кузьминична Горбунова ўртоқлар йўллаган мактубини келтирмоқчиман. Улар Самарқандга бориб ҳозир ўша ердаги янги биноларнинг бирида истиқомат қилмоқдалар.

«...Эски типда солинган уйимиз 26 апрелдаёқ яшашга яроқсиз бўлиб қолди. Дастлаб ташвиш тортдик. Лекин партия ва ҳукуматимиз бизни бошпанасиз қолдирмадилар. Катта ғамхўрлик кўрсатишди. Ҳозир Самарқанд шаҳар Титов кўчасида истиқомат қилаяпмиз. Квартирамиз кўркам. Газ, ванна, иссиқ, совуқ сув — ҳамма қулайлик муҳайё. Шаҳар Совети ижроия комитети бизни ўз ихтиёслигимиз бўйича ишга жойлаштириб қўйди. Кўрсатилган ғамхўрликни бир умр ёдимиздан чиқармаймиз...» — деб ёзишган улар.

Миннатдорчилик сўзлари изҳор этилган бундай мактублар кетма-кет келиб турибди. Наманган ва Фарғонада, Чирчиқ ва Навоийда — ҳамма ерда тошкентликларни кенг кўчоқ очиб кутиб олганликлари, кўнгилларидагидек квартираларга жойлашганликлари ҳақида хабар қилишган улар.

Халқларимиз бир-бири билан қондош-қариндош эканлиги ҳозир ҳаммага яна бир бор аён бўлди. Шундай оғир дамларда кишилар бир-бирларининг кўнгилларини кўтаришди, бағрларидан жой беришди. Яқинда кишиларни кўчириб жойлаштириш шаҳар комиссияси номига чирчиқлик Хайбуллаевдан ушбу мактуб келди.

«...Гўзал Тошкентимиз табиий офатдан қанчалик зарарланганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Кўпгина дўстларимиз бошпанасиз қолишибди. Пойтахтга ёрдам бўлсин деган ниятда мен шахсий уйимни сизларга фойдаланиш учун топшираман. Уйимнинг олди айвон, токзор ва мевазор. Совғамни қабул қилиб олишингизни сўрайман...»

Комиссия зўр хурсандчилик билан ўртоқ Хайбуллаевнинг таклифини қабул қилди. Унинг ватанпарварлиги, одамийлигини барчага намуна қилиб кўрсатса арзийди. Ёки москвалик темир йўл ишчиси Анна Петровскаянинг ҳимматини олиб кўринг. Қалби кенг аёл тошкентликларга мадад бўлсин деган ниятда бир посилка юборган. Бундай саховатли кишилар оранизда оз эмас.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан республикамиз район ва шаҳарлари бошпанасиз қолган 10 минг тошкентлик оилага квартиралар тақдим этишлари лозим. Киров районидан бошпанасиз 4 минг оила, Октябрь районидан 1550 оила, Куйбишев районидан 1150 оила, Ленин районидан 1700 оила, Фрунзе районидан 750 оила, Чилонзор районидан 850 оилани бошқа шаҳарларга кўчириб жойлаштириш мўлжалланган. Барча районлар ижроия комитетлари ҳузурида кўчириб жойлаштириш бўйича тузилган комиссиялар ишлаб турибди. Ижроия комитет активлари, маҳаллий Советлар депутатлари бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Комиссиямиз ҳозир фақат кишилар ҳақида ўйлаяпти. Яқин вақт ичида яна қатор турар-жойлар фойдаланишга шай бўлади. Минглаб тошкентликлар бу биноларга кўчиб кирадилар. Лекин пойтахтлик биродарларимиз бошқа шаҳарларга бир умрга кўчиб кетишмаяпти. Улар қўлига гарантияли хат берилади. Маълум вақтдан сўнг яна Тошкентга қайтиб келиб истаган районларидан янги квартиралар олишлари мумкин. Кўраётган тадбиримиз фақат вақтинча эканлигини ҳамма яхши тушуниб олмоғи керак.

Республикамизнинг бошқа областларига кўчиб бораётган тошкентликлар партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатган ғамхўрлигига жавобан зўр ғайрат билан меҳнат қиладилар, деган умиддамиз. Дўстларимиз бағрида ўзингизни Тошкентдагидек ҳис этинг, азиз биродарлар!

А. БРАНЛОВ,
Ўзбекистон шаҳар ва районларига аҳолини кўчириб жойлаштириш шаҳар комиссиясининг раиси.

— Мен эшитяпман.

— Абдуллажонмисан? Мен Пучковман... Ҳозиргина эшитдим. Нима десам экан?.. Ташвишингга шерикман, десам, расмий бўлиб кетмайдими? Хуллас, хафа бўлма, дўстим.

Абдулла кадрлар бўлимининг бошлиғи Федор Павловичнинг овозини дафъатан таниёлмади. Ростн, улар бирон марта дурустроқ гаплашмаган эдилар. Мана бугун...

Унинг боғи гамли ўйлари астааста тарқала бошлаганини ўзи ҳам сезиб турар, елкасидаги юки анча енгиллашгандай эди. Чекиб келиш учун йўлакка чиққан эди, чақиришди: тағин қўнғироқ. Қурилиш министрлигидан Подковирин гапирарди.

— Ростини айтаверинг, Юрий Николаевич, — деди Абдулла ялиниб. — Чиндан ҳам Тошкент вайрон бўлиб кетибдими? Айтаверинг, жанг кўрган одаммиз-ку!

— Билмадим, азизим, билмадим. Ҳар ҳолда аҳвол жиддийга ўхшайди. Тошкентга бормоқчимисиз?

— Борайми?

— Боринг! Албатта боринг!

Абдулла дўстлари билан хайрлашиб хонадан чиқиб кетаётган эди, тўртинчи марта телефонга чақиришди. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Александр Васильевич Никифоров уни ўз хонасига таклиф қилди.

Яна ўша ҳамдардлик, ўша илиқ сўзлар...

Лекин Александр Васильевич бутунлай бошқа гап айтиб қолди.

— Тошкентга бугун кетманг, бирон ҳафта кутиб туришга тўғри келади.

Абдулла ўрнидан туриб кетди.

— Нега?. Бормасам бўлмайди!

Александр Васильевич унинг елкасига қоқиб жилмайди.

— Ранжиманг Абдуллажон! Биз бошқа нарсани ўйлаяпмиз. Сиз Тошкентга кўнгил сўраб эмас, ёрдам олиб борасиз. Олти юз кишига — сувоқчи, бўёқчи, наққошларга раҳбар бўлиб борасиз!

— Ростданми? — Абдулла қувончдан парпираган кўзлари билан уни бошидан-оёқ кузатиб чиқди. — Ростми, шу гап?

— Бўлмасам-чи? Фақат бир илтимос. — Александр Васильевич жиддият билан таъкидлади. — Энг яхши йигит-қизларни танлайсиз. Эшитдингизми, энг яхшиларини. Чаккон, пухта ишлайдиганларини! Шундай ишлашсинки ҳамма уларга қойил қолсин.

«Энг яхши йигит-қизлар...» «Қанча керак? Мария, Евгений, Олег, Оксана, Михаил...» Булар билан неча йиллардан бери ошна у! Истаганча яхши қурувчи топилади, истаганча!

— Розимисиз? — деди Александр Васильевич ундан кўз узмай.

— Бугуноқ топаман!

— Бўпти, ишга киришаверинг!

Абдулла қушдай учиб кўчага чиқди. Бугун унинг ҳаётида энг серташвиш, аммо қувончли кун бўлди. Сувоқчилар, бўёқчилар — таниш-биродарлари Тошкентга боришга бажонидил рози бўлишарди.

ТЎРТ кундан кейин Тошкентдан хат келди. Синглиси Хосиятнинг қизи Фотима анча хотиржам ёзган эди:

«Тоға, — деб бошлабди у, — физикада резонанс қонунини ўқиганмиз, товуш тўлқинлари узоқлашган сайин пасайиб боради. Лекин одамлар орзида баъзан резонанс қонуни тескарисига айланиб кетади: ваҳимали гаплар узоққа, янада тўлқини кучайиб етиб боради. Ҳавотирланманг. Бизнинг уйларга ҳеч нима қилмади. Бувамларнинг уйлари дарз кетди. Ҳаммамиз соғ-саломатмиз...»

«Бувамларнинг уйлари дарз кетди...» Мана шу тўрт оғиз сўз унинг юрагига михдай қадалди. Эҳтимол жияни атайлаб яширгандир, эҳтимол уй босиб тушгандир...

Кейинги бир ҳафта қандай ўтганини Абдулла билмайди. 9 май куни яна зилзила бўлганини радио хабар қилди. Энди унинг ваҳимаси янаям кучайган, ўзини қўйишга жой тополмасди. У шошилар, раҳбарларни шоширар, қурувчиларнинг ўзи ҳам йўлга чиқишни сабрсизлик билан кутишарди.

Шунча ишни бажариш учун бир ҳафта камлик қилганини Абдулла 3-қурилиш-монтаж поездига чиққанидан кейингина билди. Бортига «Киев—Тошкентга» деб ёзилган қатор-қатор машиналар, экскаваторлар, бульдозерлар — буларнинг ҳаммасини тўплаш, ишни уюштиришнинг ўзи ҳазил эмас-ку, ахир!

У хотини, икки қизи билан хайрлашиб поездга чиқди. Украина далалари, рус ўрмонлари орқада қолди. Бепоён Қозогистон даштлари бошланди. Поезд ҳеч ерда тўхтамай, шитоб билан тунукун елар, ўйин-кулгу кам, ҳамма ўйчан, поездда ҳар хил гаплар юрарди.

НИҲОЯТ поезд Казалинск станциясида тўхтади. Абдулла бир дақиқали фурсатдан фойдаланиб, уйга телеграмма берди.

У станция биносидан чиқиб поезд томон кетаётган эди, ойнаванд сартарошхона ёнида ўтирган проводник йигит кўзига иссиқ кўринди. Аммо таниёлмади. Йигит ҳам ундан кўз узмай бир лаҳза тикилиб турдида, қучоқ очиб кела бошлади.

— Абдулла ака! Сиз Абдулла акамисиз?

У проводник билан кўришди-ю, барибир таний олмади.

— Мен укангизнинг — Искандарнинг ўртоғи Суннатман. Сиз Тошкентга борганингизда ёш эдим.

Абдулла қайтадан кўришди.

— Тошкентда нима гап?

— Тошкент жойида турибди. — Суннат жилмайди. — Ҳаммаси жойида. Фақат шаҳар бир силкиниб, эски қиёфини ечиб ташлади. — У чиройли гап айтганидан хурсанд бўлиб, мамнун кулди.

Эндигина Абдулланинг кўнгли тинчиди. Кейинги икки ҳафта ичида ўша куни биринчи марта хотиржам ухлади.

ПОЕЗД, Абдулла ўйлаганидай вокзалда эмас, Раҳимов станциясида тўхтади. «Уйдагилар тополмай сарсон бўлишади-да» — Абдулла шу хаёлда вагон зинасига оёқ қўйди. Карнай сурони билан чилдирма товуши шунчалар гаштли эканини у яна бир марта ҳис қилди. Кўз ўнги бир зум хиралашиб, хотирасидан кўтарилаёзган бу садоларни елкалари жимирлаганча тинглаб, маст одамдай гандираклаб-гандирак л а б пастга тушди. Майдон гавжум. «Тошкентни қуришга келган украинлик дўстларга салом!», «Ялосин дўстлик!» деган шиорлар ҳилпирар, энди бу сўзлар чуқур, ҳақиқий мазмун касб этгандн.

Кимдир унинг орқасидан келиб, маҳкам қучоқлаб олди. Абдулла забардаст қўллар огушида бир пафас типирчилаб қолди-ю, ўгирилиб қаради.

— Искандар! Укам!

Улар анчагача бир-бирларини қучоқлаб турдилар. Ҳеч ким уларга парво қилмас, ака-ука эканлигини ҳам билмас, таниш-нотаниш ҳамма қучоқ очиб кўришарди.

Абдулла синглисини, келини Муҳаббатни, жиянини энди кўрди...

Шаҳар анча ўзгариб кетганини у бир қарашдаёқ билди. Янги кўчалар очилган, баланд-баланд бинолар қурилган эди. Тўқимачилик комбинати атрофида зилзила оқибатлари билинмас, одамлар ҳам алланечук хотиржам, ҳамма билиб ишини қиларди.

Аммо марказга етиб келганларидан кейингина манзара ўзгариб кетди. Аҳвол одамлар айтганчалик ваҳимали эмас, аммо жияни ёзғанидай «ҳеч гап йўқ» ҳам эмасди. Қатор-қатор пастак уйлар босиб тушган, қамишлар мунгли осилиб ётар, деворларнинг ёрғидан, синган деразалардан қийшайиб қолган «голланд» печлари кўриниб турарди. Бир вақтлар ўзи томошалар кўрган цирк биноси ёнида танк ўрмалар, «Искра» кинотеатрининг ўрни шип-шийдам бўлиб қолганди. Қатор-қатор тизилиб ётган палаткалар ёнида ҳамширалар ўтиришарди.

АБДУЛЛА болалик хотиралари билан азиз бўлиб қолган Ривож кўчасидан ўтиб, ота уйига кириб борганида дийдор ҳаяжони тағин илиқ бир туйғу билан кўксини тўлдирди. Саксон бешга қадам қўйган отаси — Аҳмаджон отанинг азиз бошини кўксига босиб, узоқ туриб қолди.

— Кўргулик экан-да, болам. Шукур. Ўзимиз соғ-саломатмиз.

Отаси бу гапни афсусланиб айтдими, саломат бўлганидан суюндими, Абдулла тушунолмади.

— Қўяверинг дада! Шаҳарни шунақанги гуллатиб юборамизки, ҳали! — Абдулла Александр Васильевичнинг гапини эслаб, мамнун жилмайди. — Бир ўзим эмас, олти юз азаматни бошлаб келдим. Булар пардозловчиларнинг ўзи. Етти инструктор уларга раҳбарлик. Кўпчилик пуфласа-бўрон бўлади.

Аҳмаджон ота бир товоқ қулупнай келтириб қўйди.

— Е, ўғлим, тансиқ нарса.

Абдулла қуёш нурини эмган қулпнайдан биттасини тилининг устига ташлаб, роҳат қилиб шимди-да, ёстиққа хорғин ёнбошлади.


ЭРТАСИДАН яна серташвиш кунлар бошланди. Пардоз ишлари, одатда бино битганидан кейин бошланади. Олти юз сувоқчи билан бўёқчига иш топиб бериш керак. Энди нима бўлади? Булар фақат битта поездда келган кишилар. Бошқа поездлардачи? Бошқа республикадан келаётганлар-чи?

То украиналик бинокорлар ўзлари қураётган уйларни тиклагунча пардозловчиларнинг бир қанчасини Тошкентдаги қурилиш трестлари ихтиёрига юбориш керак. Яна бир қисми, Фарғона, Самарқандга, Термизга — хуллас қаерда ёрдам керак бўлса ўша ерга юборилди. Демак уларнинг ишидан хабар олиб туриш керак.

Мана, Абдулла келганига бир ойдан ошдики, отаси ҳам, укалари, сингилларн ҳам унинг дийдорига дурустроқ тўйиб олишгани йўқ. Ўзи ҳам уларга тўёлмаяпти. Майли, иш энди бошланяпти. У ўз она шаҳрини бунёд этаётган украин дўстлари билан бу ерда ҳали кўп бўлади. Кўп ҳовли тўёларини кўради. Ўшанда янги уйлар, тўрида ҳамма қатори Абдулла ҳам меҳмон бўлади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

ТОШКЕНТ ОСТИДА НИМАЛАР БЎЛАЯПТИ?



2-РАСМ

Тоғ пайдо бўлиши жараёнида ер қатламининг айрим қисмларида аста-секин эгилувчан таранг кучлар қосил бўла боради. Бу таранг куч худди қисиладиган ва чўзиладиган пружинага ўхшайди ҳамда тоғ жинсларига таъсир этиб туради. Натижада жинсларнинг деформацияланиши рўй беради, яъни жинслар қат-қат бўлиб жойлашади, баъзан эса бунда чидаш беролмай синиб кетади. Шундай қилиб, эгилувчан энергия сарфланади. Сейсмик рўй берадиган деформацияланиш жараёнида энергия жуда секин ва сезилмайдиган даражада сарфлана боради. Тоғ жинсларининг синиб кетиши ва қайта жойлашуви пайтида эгилувчан энергиянинг жуда катта қисми бир зумда ажралиб чиқади. Бунда биз ер қатламининг кучли қимирлаши — зилзилани ҳис этамиз.

Агар ер қатлами монолит ва бир жинсли бўлса, тоғ жинсларини синдириш учун жуда катта куч керак бўлади. Шуниси аниқки, жинсларнинг синиш пайтида қимирлаш тўпланган энергия қанчалик кўп бўлса шунча кучлироқ рўй бериши мумкин. Жинслар мавжуд чуқурликдаги синиқлар бўйича, яъни ер қатламининг бўш участкаси бўйича қайта жойлашаётганида кучсизроқ зилзила рўй беради. Сейсмик жиҳатдан актив бўлган зонадаги ер қатламида бундай кучсиз участка ва синиқлар жуда кўп. Уларнинг каттагина қисми юз миллионларча йил илгари пайдо бўлган.

Бундан синиқларнинг кўплиги келажакда зилзилалар кўп бўлишидан дарак беради, деган хулоса чиқариш мутлақо нотўғри. Маълумки, синиқларнинг кўпчилиги аллақачонлар «ўлиб» кетган. Бунга сабаб эгилувчан таранг кучнинг йўқлигидир.

Ер қобиғининг бирор жойида эгилувчан таранг куч йиғилиб қолганида нима бўлади? Кўз олдимизга қуйидаги манзарани келтирайлик. Биз мис сим бўлакчасининг икки учидан тортиб турибмиз. Симни куч билан тортаверганимиз сайин у чўзила-чўзила ниҳоят узилиб кетади. Зилзила рўй берадиган жойда ҳам шунга ўхшаш ҳодиса содир бўлади. Кучли босим натижасида жисм эгилувчан ҳолга келиб қолади ва аввалги чидамлилигини йўқотиб, тез «чўзила бошлайди». Натижада тоғ жинслари силжиш йўли билан жойлаша бошлайди. Зилзила ўчоғи зонасида эгилувчанлик хусусиятларининг вужудга келиш жараёнида «синиқчалар» бўйлаб унча катта бўлмаган таранг кучнинг қўшимча узеллари пайдо бўлади. Улар зилзила ўчоғи атрофида вужудга келади. Ана шу кичик «синиқча»лар зилзила ўчоғи зонаси районидаги ҳар хил чуқурликларда бўлиб, қаттиқ жинсларнинг секин-аста жойлашуви натижасида қайта қимирлаш рўй беради. Шунинг учун ҳар бир кучли зилзиладан кейин унинг эпицентри атрофларида ҳамиша жуда кўп қайта силкинишлар — афтершоклар, қайта қимирлаш частотаси рўй бериб, уларнинг энергияси борабора йўқолиб кетади.

Кучли зилзила эпицентридан бевосита нарида бўлган кишиларга қайта силкинишлар ғайри-табиий ва одатдан ташқари бўлиб туюлади.

Жаҳон сейсмология практикаси шуни кўрсатиб турибдики, энг кучли афтершок энергияси асосий зилзила энергиясидан 100 ёки 1000 баравар оз бўлиб, ҳамма кейинги силкинишлар энергиясининг йиғиндиси асосий силкиниш энергиясининг ўн процентидан ҳам камдир. Кузатишлар кўрсатадики, асосий зилзиладан кейинги дастлабки кунлар ичида ҳамма афтершокларнинг деярли ярми бўлиб ўтади. 26 апрель зилзиласидан кейинги дастлабки кеча-кундузлар ичида «Тошкент» сейсмик станцияси 130 та, дастлабки икки ҳафта ичида эса 317 та қўшимча зарбани қайд қилди. Орадан икки ой ўтгач бундай зарбалар сони 500 га етиб қолди.


Яна шу нарса маълумки, кўпчилик афтершоклар серияси силкинишларнинг камайиши ва вақт интенсивлигининг йўқолиши, шу билан бир қаторда юқори активлик ва нисбатан жимлик даврининг алмашинуви билан характерланади. Айрим кучли силкинишлар оралиғи одатда вақт ўтган сайин узайиб боради. Бунда афтершокларнинг ҳар бир сериясида бир, баъзи ҳолатларда 2—3 марта максимал энергияли афтершок рўй беради. Масалан, Тошкент зилзиласининг қўшимча кучли силкинишлари охирги сериясида шундай ҳодисани кўриш мумкин: бир ҳафта мобайнида тошкентликлар икки марта кучли афтершокни сездилар.

Зилзила ўчоғи зонасида хануз давом этаётган эгилувчан таранг кучлар характери 1-расмдаги графикда яққол кўриниб турибди. Бунда горизонталь ўқ вақт, вертикаль ўқ бўйлаб эса афтершоклар даврида жинсларнинг деформацияланишини характерловчи миқдор кўрсатилган. Ҳар бир вертикаль устун ўзида ҳар 12 соат ичида рўй берган қайта силкинишлар йиғиндисини кўрсатади. Бу график ер шаридаги тектоник зилзилалар афтершокларининг турли сериялари ҳисобланган графикка ўхшаб тузилган, улардан мутлоқ ҳеч бир томондан фарқ қилмайди. Юқоридаги эгри пунктлар чизиғи рўй бериш эҳтимоли бўлган зилзиланинг максимал кучини белгилайди. Синиқ чизиққа қараб умуман процесснинг пасайиб бораётганлигини ва ҳатто маълум даражада сезиларли силкинишлар рўй беришини олдиндан айтиш мумкин. Масалан, амалда барча кучли афтершоклар анча давом этган жимлик ва эгилувчан таранг кучларнинг бўшашуви натижасида рўй берган. (Графикда — синиқ чизиқнинг горизонталь қисми). Нисбатан жимлик ўртасидаги вақт, афтидан, тоғ жинсларининг кичик синиқчалар билан жипслашувининг мустаҳкамлиги ва эгилувчан кучларнинг заифлашув суръати билан белгиланса керак.

Тошкент остидаги ер қатламининг схематик кесимини (2-расм) кўриб чиқайлик. Бу ерда шартли горизонталь чизиқлар билан ҳар хил геологик ёшдаги жинслар қатламлари кўрсатилган. Синиқ чизиқ билан эса чуқурликдаги синиш ва атрофдаги «синиқчалар»нинг тахминий жойлашуви тасвирланган. Жинсларнинг жойлашуви 8 километрга яқин чуқурликда рўй берди. Қуюқ қора стрелкалар билан синиқлар қандай жойлашганлиги кўрсатилган. Концентрик доирачаларда тарқалувчи сейсмик тўлқинлар кўрсатилган. Бу тўлқинлар жинсларнинг кескин жойлашуви натижасида пайдо бўлди. Кўп шикаст худди зилзила ўчоғи зонасида, сейсмик тўлқинлар саккиз балл куч билан ҳаракат қилган жойда рўй берди. Зилзила ўчоғи зонаси шимол-ғарбий йўналишда, тахминан Собир Раҳимов кўчасидан Революция скверигача чўзилган. Унинг кенглиги 2—3 километрга тенг. Синиқнинг «ёриб чиқиши» 8 километр чуқурликда — Собир Раҳимов ва Полиграфия кўчалари районларида рўй берди. Жинсларнинг жойлашуви зилзила ўчоғида деярли вертикаль ҳолатда эди. Ер юзасининг тебраниш характери ҳам маълум даражада шу билан белгиланади. Таъкидлаб ўтиш керакки, вертикаль ҳаракат қилиш умуман тоққа яқин районлар учун характерлик. Ингичка қора стрелкалар билан афтершоклар ўчоғи кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, ҳамма кучли қайта силкинишлар энергияси асосий зилзиладан юз ва минг марта кучсизроқдир. Доирачалар ҳажми энергиялар миқдорига мувофиқ чизилган. Устунчалар билан ҳар бир афтершокнинг ер юзасидаги қимирлаш кучи кўрсатилган.

Сўнгги тўртта етти балли силкинишларнинг ўчоғи уч километр чуқурликда бўлди ва шунинг учун уларнинг энергияси кам бўлишига қарамай етти балл куч билан сезилди. Бироқ бундан зилзила ўчоғи ер юзасига яқинлашиб қолибди, деган хулоса чиқмайди. Қайта силкинишлар кичик «синиқчалар»да рўй беради. Улар асосий зилзила билан бир вақтда пайдо бўлган. Ўчоғининг чуқурлиги жуда хилма-хил. Шу муносабат билан афтершоклар ер юзасида ҳар хил сезилади. Юқори қатлам яхлитлигининг бузилиши амалий жиҳатдан мумкин эмас. Айтиш мумкинки бундан кўра кучли афтершоклар энди пайдо бўлмаса керак. Лекин илгариги кучга эга бўлган қайта силкинишлар рўй бериб туриши мумкин. Қайта силкинишлар маълум вақтгача бўлиб туради, тобора камайиб кучсизлана боради. 26 апрелдан кейин 72 ёки 75-кунда аллақандай «жуда кучли» зилзила бўлиши мумкинлиги ҳақидаги миш-миш асоссиз бўлиб, бундай миш-мишларга хотима бермоқ зарур.

Тошкент территорияси ва унинг атрофида хилма-хил геофизик ва сейсмологик тадқиқотлар олиб борилаяпти. Кузатиш натижалари тўхтовсиз ишлаб чиқилмоқда ва умумлаштирилмоқда. Қимматли сейсмологик материаллар олимларга тектоник зилзилалар ўчоғининг табиати ҳақида қўшимча жуда муҳим маълумот бериши мумкин. Бу эса ўз навбатида кучли зилзилалар бўлишини олдиндан айтиб беришга бирмунча яқинлашиш имконини туғдиради.



1-РАСМ

В. УЛОМОВ.
ЎзССР Фанлар академияси геология ва геофизика институти директорининг ўринбосари, физика-математика фанлари кандидати.

ТАСС АХБОРОТИ

«ПРОТОН-3» КОСМИК СТАНЦИЯСИ

Космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ, 1966 йил 6 июлда Совет Иттифоқида «Протон-3» номли оғир космик станцияси билан илмий ўлчов аппаратлари комплекси жуда кучли учирувчи ракета ёрдамида муваффақиятли суратда парвоз қилдирилди.

«Протон-3» космик станцияси апогейи 630 километр ва перегейи 190 километр бўлган орбитага чиқарилди. Орбитанинг оғиши 63,5 градус. Айланиш даври 92,5 минут.

«Протон-3» станцияси космик нурларни комплекс тадқиқ қилишни давом эттириш, чунончи:

— қуёшнинг космик нурларини ўрганиш;

— Энергияларнинг интервали 100 минг миллиард электроновольтгача бўлганида космик нурларнинг энергетик спектори билан химиявий таркибини ўрганиш;

— 1000 миллиард электроновольтгача бўлган энергиялар соҳасида космик заррачаларнинг ядроли ўзаро таъсирини ўрганиш;

— Асил келиб чиқиши галактикага хос бўлган электронларнинг абсолют интенсивлигини ва энергетик спектрини ўлчаш;

— Бирламчи космик нурлар орасидан касрли электр зарядини қидириш учун мўлжалланган махсус илмий аппаратлар билан ускуналанган.

Космик станция ичига илмий ва ўлчов аппаратларидан ташқари 19,545 мегагерц частотада ишловчи радиопередатчик ўрнатилган.

Қабул қилиб олинган телеметрик ахборотларнинг анализи «Протон-3» космик станциясига ўрнатилган аппаратларнинг нормал ишлаётганлигини кўрсатмоқда.

Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

БОЛАЛАР — САЁҲАТГА!

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида Тошкент болалари учун саёҳат путёвкалари бор. Улар 21 июлдан 16 августгача Москвага, 13 июлдан 16 августгача Киевга сайр қилишлари мумкин. Москва саёҳат путёвкаси 89 сўм, Киев путёвкаси 105 сўм 10 тийин туради. Йўл ҳақини ота-оналар тўлайди.

Саёҳат даврида болалар тарихий ёдгорликларни, шаҳарларни томоша қиладилар, жамоатчилик вакиллари билан учрашадилар.

Путёвка масаласида шаҳардаги район комсомол ташкилотлари билан учрашиш керак.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

«АҚШ ВЬЕТНАМДАН ЧИҚИБ КЕТИШИ КЕРАК»

ПАРИЖ. Париждаги Америка элчихонаси биноси олдида АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши норозилик намойиши бўлди. Бу намойишда бир неча минг киши қатнашди. Намойишчилар АҚШ самолётларининг Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишлари тўхтатилсин, Американинг Вьетнам халқи ишларига аралашувига чек қўйилсин, деган талаблар ёзилган шиорларни кўтариб бордилар. Улар Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар.

ОТТАВА. Канада Компартиясининг Бош секретари Уильям Каштан Бош министр Л. Пирсонга телеграмма юборди. У, ўз телеграммасида Канада «АҚШнинг шармандали ва разил агрессияси»дан ўзини очиқ ва қатъий суратда четга олишини талаб қилади. Канаданинг кўп шаҳарларида Америкага қарши кўп кишининг иштироки билан намойишлар бўлиб ўтди.

БОНН. Гамбург студентлари ва шаҳар аҳолисидан 2.000 га яқин киши университет районида намойиш уюштирди. «Вьетнамдаги урушга битта ҳам одам, битта ҳам марка пул юборилмасин» деган талаб кўп транспарантларга ёзилган эди. Намойишчилар митинг ўтказдилар. Митингда сўзга чиққан кишилар урушни гўхтатишга даъват этдилар ва Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг Америка агрессорларига ёрдам беришига қарши норозилик билдирдилар.

Полиция намойиш қатнашчиларини ҳеч огоҳлантирмай, уларнинг устига машиналардан сув сепди. Намойишчилар бунга жавобан «Нацистлар!» деб қичқирдилар. Шундан кейин, шу жойга мотоцикларга тушган полициячилар келишди. Полициячилар намойишчиларни калтакладилар. Студентлардан бир неча киши ярадор бўлди. Полиция одамларни қамоққа олди.

ХЕЛЬСИНКИ. Ювяскюля шаҳрида ёшлар намойиши бўлди. Намойишчилар шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўтдилар ва сўнгра митинг ўтказдилар. Митингда қабул қилинган резолюцияда АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси кескин суратда қораланади. АҚШ Вьетнамдан чиқиб кетиши керак; АҚШ Вьетнам халқининг ҳоҳиш-иродасини ҳурмат қилмоғи керак. Бу халқнинг ҳоҳиш-иродаси Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти ва Вьетнам Демократик республикасининг таклифларида акс эттирилган, дейилади резолюцияда.

АМСТЕРДАМ. Голландия ёшлари вакилларидан 250 дан ортиқ киши Америка Қўшма Штатларининг Гаагадаги элчихонаси биноси олдида намойиш ўтказди. Намойишчилар «Вьетнамга озодлик» деган шиорлар остида ташқи ишлар министрлиги биносига бордилар ва норозилик хати топширдилар. Улар бу норозилик хатида Американинг бомбардимон қилишлари дарҳол тўхтатилсин, деб талаб этдилар.

БОГОТА. Бу ерда «Янкилар, Вьетнамдан қўлингни торт» деган шиор остида кўп кишининг иштироки билан митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди.

Колумбия меҳнаткашлари касаба союз конфедерацияси Америка агрессорларининг Вьетнам Демократик Республикаси тинч аҳолисини қўплаб қириб ташлаётганликларига қарши қатъий норозилик билдирди. АҚШ империалистларининг Вьетнамда қилаётган жиноятлари, дейилади конфедерация баёнотида, фашистларнинг иккинчи жаҳон урушида қилган ёвузликларидан сира фарқ қилмайди.

ДАМАШҚ. Сурия Араб Республикаси ўқитувчилар касаба союзи баёнот эълон қилди. Баёнотда бундай дейилади: биз, Америка Қўшма Штатлари ва унинг иттифоқчилари томонидан қаҳрамон Вьетнам халқига нисбатан ўтказилаётган агрессив сиёсатни кескин қоралаймиз. Биз Вьетнам халқининг озодлик, мустақиллик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш учун олиб бораётган курашини табриклаймиз. АҚШнинг «Озодликни ҳимоя қилиш», «Аралашмаслик принципи» ва «ҳеч қандай шарт қўйилмайдиган музокаралар» тўғрисидаги дабдабали шиорлари жаҳон жамоатчилик фикрини лақиллатишга қаратилган. Сурия ўқитувчилар касаба союзи Вьетнам проблемаси Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти ва Шимолий Вьетнам ҳукумати таклифлари асосида ҳал этилиши лозим, деб ҳисоблайди.

(ТАСС).

ЛАОСНИ БОМБАРДИМОН ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ. ТАСС. Лаос Миллий бирлик ҳукуматидаги информация, пропаганда ва туризм министри ҳамда Лаосга доир Женева битимларининг бажарилишини кузатувчи Марказий комиссия аъзоси Фуми Воягвититнинг Лаосга бағишланган Женева кенгаши раислигига юборган мактубида айтиладики, Гуам оролида жойлашган Американинг «В—52» самолётлари Лаоснинг озод қилинган районларини бомбардимон қилишни давом эттирмоқда.

27, 28, 29 ва 31 май кунларида, шунингдек 15, 17, 20 ва 21 июнь кунларида дейилади мактубда Америка самолётлари Сараван вилоятининг (Жанубий Лаос), шарқи-шимолий қисмидаги турли районларга юзлаб бомбалар ташлади. Натижада бомба остида қолиб ўлган одамлар бор, катта майдонлардаги экинлар нобуд бўлди, уй-жой бинолари вайрон қилинди.

«Патет Лао овози» радиостанциясининг хабарига асосланиб ВИА агентлиги эълон қилган мактубда айтиладики, Америка ҳарбийларининг бу агрессив ҳаракатлари Лаосга доир Женева битимларини қўпол равишда бузиш бўлиб, Ҳинди-Хитой ва Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларининг хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

ИНДОНЕЗИЯ МУВАҚҚАТ ХАЛҚ МАСЛАҲАТ КОНГРЕССИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Индонезия муваққат халқ маслаҳат конгресси президент Сукарно «умрбод президент» деган унвондан маҳрум этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу билан бир вақтда конгресс актив мустақил ташқи сиёсат ўтказиш кераклигини таъкидлади. Конгресс, Индонезия ҳамма мамлакатлар билан, хусусан ўзининг қўшнилари билан дўст бўлишга интилажак, деди. Конгресс қарорларида Индонезиядаги чет эл мактабларини таъқиқлаб қўйиш тўла дин эркинлигини таъминлаш кўзда тутилади. Шунингдек мактабларда фақат маълумотни ошириш мақсадида «коммунизм тарихи ва назарияси»ни ўқитишга рухсат этилади, лекин амалда коммунизмни тарғибот қилишга тақиқ этиш таъқиқланади».

Президент Сукарно, дейилади мухбирнинг хабарида, конгрессининг қарорларига, жумладан, ўзининг «умрбод президент» деган унвони бекор қилинганлигига рози бўлди.


Конгресс қарорига мувофиқ, Сукарно 1968 йил 5 июлдан кечиктирмай ўтказиладиган ялпи сайловларга қадар ўзининг президент деган унвонини сақлаб қолади.

АМЕРИКА САМОЛЁТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 6 июль. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради, Америка самолётлари кеча Хайфон шаҳри районидаги қирғоқ яқинида Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегарасига бостириб кирди.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳарбий денгиз флоти кемаларидаги зенит тўпларидан Америка самолётларидан биттасини уриб туширди.

Шундай қилиб, шимолий Вьетнам тепасида Америкаларнинг жами 1159 самолёти уриб туширилди.



ЮГОСЛАВИЯ. Косово автоном ўлкаси ва Метохияда тепло электростанцияларнинг бутун бир каскади қад кўтармоқда. Ҳозир бу ерда «Косово — 3» электро станцияси қурилаяпти. Суратда: «Косово — 3» электростанцияси қурилишида.

ТАНЮГ — ТАСС фотоси.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Қувноқ минутлар** (мактаб ўқувчилари учун), 18.45 — **Лайли ва Мажнун афсонаси**, 19.15 — **Дон-Кихот фарзандлари** (бадиий фильм), 20.30 — **Эртаги кун программаси**.

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Ўзбекистон XIII спартакиадасининг ёпилиши**, 21.50 — **«Дўстлик» шаҳрини яратувчилар** (Карпат ҳарбий округи қурувчиларига бағишланган эшиттириш ва концерт).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Сўқондаги икки кундалик** (болалар учун), 18.40 — **Китобчанг** (илмий-оммабоп фильм), 18.50 — **Тошкент янгиликлари**, 19.00 — **Изловчилар** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Беш йиллик илғорлари** (телеочерк), 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **С. Эйзенштейн** (ҳужжатли фильм), 21.55 — **Концерт** (Охунбобоев номли Маданият уйининг татар ансамбли ижроси да).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Виждон — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

Чўқинсоқол король — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да).

Париж сирлари — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкурун).

Том тоғанинг нулбаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6-15 ва 9-15 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда)

Виждон — «ФЕСТИВАЛЬ», «ВАТАН».

Тошкент шаҳридаги
2-ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1966/67 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти саноат учун юқори малакали мутахассислар: металл токарлари, металл фрезерчилари, саноат маҳсулотини йиғувчи слесарлар, ремонтчи-слесарлар, тунукасоз-слесарлар, монтажчи-слесарлар тайёрлайди.

Билим юртига 8—11 синфни тамомлаган, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йилдан 2 йилгача.

Ўқиш даври ишлаб чиқариш стажига қўшилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига конкурссиз кириш ҳуқуқига эга буладилар.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланади.

Билим юртига киручилар ариза қуйидаги ҳужжатларни қўшиб, қабул комиссиясига тақдим қиладилар: таржимаи ҳол, етуклик аттестатининг асли ёки табель, турар жойдан справка, 3х4 сантиметр ҳажмида 6 та фотокарточка, мактабдан характеристика. Паспорт ёки метрикани шахсан кўрсатадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Полиграф кўчаси, Авиацион проезд, 10-уй (10-трамвай, 8, 10, 14-автобуснинг «Максим Горький кўчаси» остановкаси).

«ТАШОБЛСЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИГА

трестнинг Тошкент шаҳридаги ва Тошкент областидаги ташкилотлари учун:

гишт терувчилар, сувоқчилар, бетончилар, дурадгорлар, арматурачилар, бухгалтерлар, старший бухгалтерлар, русча машинистка лар, омборчилар, инженерлар: қурувчилар, экономистлар, плановиклар, механиклар, нормаловчилар, қурувчи-техниклар ва қурувчи-мастерлар

(прорабларга старший прорабларга ишлаб чиқариш-техника бўлимларининг бошлиқлари, бошқармаларнинг бош инженерлари ва бошлиқлари вазифасига)

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 32-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30259 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06561. ИНДЕКС 64969. Г. 1153.